

ЖАЛҚ СУЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

30 май, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 101 (1103)

ИҚТИСОД — БАРҚАРОРЛИК ВА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ПОЙДЕВОРИ



Шу йил 26 май куни Минск шаҳрида МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтгани тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар қилинди. Унда ўзаро тўловларни тартибга солишга хизмат қиладиган давлатлараро валюта кўмитаси тузиш, бошқа иқтисодий, ҳарбий соҳада ҳамкорлик, коллектив хавфсизлик, МДХ чегараларини қўриқлаш, коллектив тинчликни сақлаш кучларининг (КТСК) Тожикистон ва Абхазия каби кескинлик ўчоқларида туриш муддатини узайтириш, ихтилофларни бартараф этиш, ҳарбий оқларни ташвиш, Парламентларо ассамблея, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари, Ҳамдустликка аъзо мамлакатлар фуқароларини Жуков медални билан мукофотлаш, иқтисодий суд фаолияти ва уни такомиллаштириш каби кўплаб масалалар муҳокама қилинди, тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Шундан ҳам кўришиб турибдики, давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувида иқтисодий масалалардан кўра ҳарбий ва чегара масалаларга кўпроқ эътибор берилди. Навбатдаги учрашув олдидан президентлар Ислом Каримов ва Александр Лукашенко иқтисодга тегишли энг долзарб муаммоларга етарли даражада аҳамият берилмаётганини таъкидлашди.

Минск шаҳрида давлат бошлиқлари умумий хавфсизлик, чегараларни биргаликда қўриқлаш ихтилофларни бартараф этиш каби масалаларни муҳокама этишган бўлса, ҳукумат бошлиқлари эътиборини иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ муаммоларни ечишга қаратишди.

МДХнинг умумий чегаралари ва уларни биргаликда қўриқлаш масаласида томонлар тўтган мавқеа бир-бирдан фарқ қилиши маълум бўлди. Мустақил давлатлар чегараларини Ҳамдустликнинг умумий чегаралари деб тан олиш ва қўриқлаш тўғрисидаги шартномани етти давлат имзолади. Ўзбекистон томони фикрига кўра эса МДХнинг умумий чегараси йўқ, аксинча, ҳар бир мустақил давлатнинг ўз чегараси бор ва ҳар бир давлат уни ўзи қўриқлаши керак.

Ҳамдустлик мамлакатлари ўртасида тўлақонли ва тенг ҳуқуқли интеграцияни вужудга келтириш учун, аввал

Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси ва раҳбарларини ташвишга солаётган ҳол Тожикистон муаммосидир. Президентимиз таъкидлаганидай, кўшни республикадаги вазиятни узоқ вақт чегарада қурол ва қўшин тўплаш билан изга тушириб бўлмайди. Бу чегаранинг нартиси томонидан ҳам худди шундай жавоб чоралари кўрилиши ва ихтилофларнинг бундан бундан ҳам сақланиб қолишига сабаб бўлади.

Тангликдан чиқишнинг бирдан-бир йўли Тожикистон раҳбариятининг тожик-тожик музокараларини давом эттиришда қатъий позицияда тургани ва зарур натижаларга эришиш йўлида бор куч-гайратини аямасганини ҳам эслаб ўтиш ўринли бўлади. И. Каримовнинг шу йил апрель ойининг бошларида Тожикистон мухолифати етакчиларидан бири А. Туражонзода билан бўлган муаммоларни ечишни ностратанти билан таништиргани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзгача келатган ихтилофларни бартараф этишда коллектив тинчликни сақлаш кучларидан фойдаланиш у содир бўлган давлат ёки минтақани бошқа давлатнинг таъсир доирасида

тон расмий ҳукумати ва мухолифат ўртасида мулоқотни давом эттириш ҳамда муроасага эришишдир. МДХ давлатлари коллектив хавфсизлик шартномасига кўра, тожик-афгон чегарасини қўриқлашга, урушдан кейинги Тожикистон иқтисодини тиклашга ёрдам бериш, расмий Душанбе вазиятини изга солиш талоринини кўрмас, минтақа давлатлари берган ёрдамидан, аввало, ўзлари зарар кўриши мумкин. Сир эмаски, Марказий Осиёдаги нотинчлик унинг иқтисодий рақобатига тўсиқ бўлибгина қолмасдан, узоқ вақт ташқи кучлар таъсирида қолиб кетишига сабаб бўлади. Бугунги қўйинчиликларни енгиб ўтишни бирдан-бир оқилона йўли минтақавий интеграция орқали дунёдаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларга тезроқ қўшилишидир.

ушлаб туриш ва унга таъйин қилиш воситаси бўлмастгидек. Ҳамдустликка аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, хоҳ у икки томонлама бўлсин, фақат иқтисодий ҳамкорлик орқали эришиш мумкин. МДХнинг халқаро ҳуқуқ субъектига айлантириш ва қандайдир сиёсий ёки ҳарбий усткуртларини барно этишга уриниш миллатлар ва давлатлар мустақиллигига даҳл қилади, қолaversа, бу халқаро ҳуқуқ метёриларига ҳам хилофдир. Холбуки, Европа ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар ўртасида кейинги ўттиз йилнинг нари-берисинда қарор топган иқтисодий алоқалар, хуесан, ҳамжамият доирасида сармоя, иш кучи ва товарларнинг тўсиқсиз ҳаракатини йўлга қўйишдан бошланган эди. Ҳар бир дав-

лат қўшилари билан муносабат ўрнатишда, аввало, ўз манфаатларига асосланган. Шундай экан, давлатлар манфаатига мос келмайдиган ихтилофни интеграция бўлиши мумкин эмас. То шу кунгача қабул қилинган беш юздан ошмиқ ҳужжатларнинг аксарияти қозғола қолиб кетаётгани сабаби томонларнинг муаммоларни ечишни ностратанти эмас, аксинча, ўзаро ҳамкорлик тенг ҳуқуқли бўлишига интилаётгани билан боғлиқ.

Навбатдаги саммитда билдирилган энг муҳим мулоҳазалардан бири давлатлар ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозимлиги бўлди, дейиш мумкин.

Албатта, мавжуд муаммоларни ҳал этишда икки ва

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ХОНИМГА

Сизни, ўз элига ҳам, ўзга эларга ҳам бирдай азиз шоирамизни асла донишмандлик фаоли — муборак 80 ёшиниз билан самимий табриклайман.

Сиз замонамизнинг забардаст шоири ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарандор овози бўлдингиз, деб айтсак асло муболага бўлмайди. Жаҳон минбарларида янраган шеърларингиз — Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолдан ноёб нишонидир.

Мухтарам Зулфия хоним!

Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз.

Ҳаёт сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ. Аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор, аммо гам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзида айланган сиз каби аёллар жуда кам топилади.

Сиз Гулбаданбеғим, Зебуннисо, Увайсий, Нодирабеғим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган ананаларни

бойитиб, янги пдгонага кўтардингиз. Мехрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплай ёш истеъоддор бахраманд бўлдилар.

Истиқлол руҳи сизни, ижодингизни янада яшартириб юборди. Мафтункор шеърларингиз ёшлик нафаси билан қайта учқуланди.

Сизнинг, эл ардоғидаги етуқ ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ношир-муҳаррир ва жамоат арбобининг таваллуд кўни миллий байрам сифатида тшонлангани мустақил давлатимиз ҳаётида катта воқеа. Бу қутлуғ сана истиқлол замонида, ёруғ кунларда ўтаётган миллионлаб мухлисларингизнинг қувончига қувонч қўшилиши жуда табиийдир.

Шундай эзу лаҳзаларда сизни яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Улуғ халқимизнинг севимли шоирасига, муҳаббат ва ҳаёт куйчисига мустақам соғлиқ, ижод ва ихлом заққи доимо ёр бўсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти И-

лом Каримов шу йил 6-7 июнь кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

29 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов АҚШнинг «Каргилл энтерпрайзиз» компанияси президенти У. Макмиллан бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

«Каргилл энтерпрайзиз,

лангириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов иштирок этди.

(ЎЗА).

ЁШЛАР БАҲОРИ

26-28 май кунлари Самарқандда Ўзбекистон ёшларининг «Талабалар баҳори'95» фестивали бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юрлари, Ҳамдустлик давлатлари ва хорижий мамлакатлар ёшлар ташкилотлари вакиллари қатнашган мазкур анжуман чинакам ёшлик ба-

ҳорига айланди. Шаҳарнинг Регистон майдонига анжуман иштирокчилари билан бирга минглаб самарқандликлар ва шаҳар меҳмонлари келди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов фестивал қатнашчилари ва меҳмонларини самимий табриклади.

(ЎЗА).

ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

27 май куни Тошкентда Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг таъсис қурултойти бўлиб ўтди. Унда ҳаракатнинг минтақавий бўлиминларидан сайланган делегатлар қатнашди. Анжуманда, шунингдек, республикамизда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатларнинг ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Қурултойти жаҳон иқтисоди ва дипломатияси доираларининг профессори Кўчкор Хоназаров очди.

Янги ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида Тошкент давлат дорилфунунининг проректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Тура-

бек Долимов маъруза қилди.

Анжуманда мазкур ҳаракатнинг мақсади Ўзбекистон халқининг бирлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларда мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунги кунини, унинг келажаги йўлида юксак масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат эканлиги таъкидланди. Ҳаракатнинг дастури ва низоми тасдиқланди, унинг Марказий кенгаши ва тафтиш комиссияси сайланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий кенгашининг биринчи пленуми бўлди. Пленумда Т. Долимов мазкур ҳаракат Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Бухоро вилояти Ёғдудов тумани ҳокими Ғофур Раҳматович Ботиров

1995 йил 27 май куни 42 ёшида бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилди ва унинг қариндош-уруғлари ҳамда яқинларига ҳамлардлик изҳор этди.

ҲАМРОҚУП НОСИРОВ МУКОФОТИ

Жиззада икки марта Меҳнат қаҳрамони Ҳамроқуп Носиров мукофоти таъсис этилди.

Мукофот қомиллари бўлган вилоят деҳқончилик-санаят уюмаси, «Пахтасанаят» ширкати, «Хиссадорлик» жамияти, дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюмаси, деҳқончилик-санаят мажмуи ҳодимлари касба уюмаси кўмитаси жамоалари бу билан ибратли ишга қўл урдилар.

Мазкур мукофот совриндори бўлган меҳнат жамоларида республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 10-15 баравари миқдоридagi пул маблағи ва махсус диплом қўшиб топширилади. Йилор иши ва механизатор ҳам шу эътиборга сазовор бўлса, энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридa пул ва диплом олади.

Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Халқ сузи» мухбири.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ



«Ойбек» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Мўминжонни Жиззахда танимайди. Айниқса, у автотранспортчиларга отнинг қашқасидий маълум. Нега десангиз, М. Бобоев Ўзбекистонда четдан келтириладиган антифриз (автомобил двигателларини совутиш учун ишлатиладиган сувоқлик) ишлаб чиқаришни биринчилардан бўлиб йўлга қўйганлардан. Тагин олдий, қўлбола усулда-я. Хомашё излаб четта чиқмайди, бировага сарғаймайди. Республикадаги ёр-мой, пиво комбинатларида чиқинди тоғ-тоғ бўлиб ётибди. Улар қашққа йўқотишни билмай бошлар қотган. Ушлардан олапти.

Бир кун Мўминжон Бобоевдан ҳазиллашиб: «Бўноийдек курувчи-инженер экансиз, нима қилиб автомобиль сувоқликларига «арқ бўлиб юрибсиз?» деб суровдим. «Бўям бир «хобби»да, ака», деб жавоб қилди қилиб.

Мустақилликнинг илк йиллари эди. Автомобилларга зарур эҳтиёт қисмларини, турли сувоқликларини четдан келтириш қўйин бўлиб қолган. Айниқса, қишда антифризга бўлган эҳтиёт охири кетган. Ушанда ана шу маҳсулот қанча бўлсаям харидори нақд-экан-ку, деган фикр ҳаёлидан ўтди. Бир-икки одамга маслаҳат солди. Улар «касиб-инг яхши-ку, нима қилсан мўйга қоришиб», дейишча ҳам ўз билганидан қолмади. Тайёрлаш технологиясини, хомашёни топти. Аввалги чорқоқчи-на лаборатория очиб, синаб кўрувди, ўхшайди. Тайёрлаш мумкинлигига ақли етгач, у-тўртта одамни ёнига олиб, таваққал қилиб иш бошлади. Мўминжон бир бочка антифриз-ни синаб бериш учун Жиззахдаги 5-автокорхонага, яна бир бочкасига Галларолдаги 50-автокорхонага берди. Бир мавсум синашди. Баҳорда автокорхона мутахассислари 50-фоиз сув қўшилгани 15-20 лаража совуққа бардош бераётгани, сифати ҳам хорик маҳсулотникидан қолишмаётгани ҳақида ҳулоса беришди. Шундан кейин, Мўминжон бор қобилиятини ишга солди. Ора-

кириб келганини ҳам сезмай қолди. Хали иш бошланишига эрта бўлгани учун кимё институти эшиги олдида қоровул Абдурашид акадан бошқа ҳеч зог йўқ эди. Абдурашид ака одамхон экан. Чой қўйди, ўқдан-буёқдан гурунлашиб ўтиришди. Унгача бирин-кетин ходимлар ишга кела бошлашди.

— Хў, анаву портфелли киши сиз кутаётган одам, — деди қоровул. Мўминжон ўрнидан турди, юраги тез-тез урла бошлади. Гапни нимадан қандай бошлаш гами тушиди унга. Танимаган одамга нима дейди. «Диссертациянгизда қилгари сурилган госян рўёбга чиқармоқчиман, десанми? Кўринишдан жаҳлдорга ўхшайди. Мабо, тошингни тер, деса неча пуллик одам бўлиб», ҳаёлидан ўтказди. Эшикнинг гичиллаб очилишидан Мўминжоннинг хаёли ўзига келди. Рўпарасида турган девлай, барваста одам кечаги телевизорда кўринган олимнинг ўзи эди. Абдурашид ака олимга «меҳмон сизни излаб келибдилар», деб таништириб қўйгач, у бепарвогина сўрашган бўлиб «Юринг, хонага», ишорасини қилиб бошлаб кетди. Мўминжон муллоасини айтди. «Агар ёрдам берсангиз шу ишни йўлга қўймоқчийдим», деб қўшиб қўйди, Олим (отини айтмаслигимизни сўради) кулиб юборди. Сўнг, «йирик корхоналар эплотмай ташлаб юборган юмш бир ўзингизга оғирлик қилмасанкан, ука», деди. Мўминжоннинг қатъий қиришганини билгач, тайёрлаш технологиясини беришга қўйди.

М. Бобоев ўша кунни пешинда яна Жиззахга қайтиб келди. Уйига ҳам кирмай, тўғри корхонага борди. Хомашё учун ёр-мой комбинатига машина жўнатди. Келтирилган чиқинди қайта ишланиб, уч-тўртта қимбей концентратлар қўшилгач, пойафзал мойининг бирварақинга беш хили конвейердан чиқа бошлади. Ҳозир қора, қизил, рангсиз, қўнғирранг пойафзал мойларига талаб-эҳтиёт катта. Савдо дўконларига асосан шу хиллари етказиб берилапти. Айни кунгача 30 минг қути



маҳсулот жўнатилди


Бир кун Мўминжоннинг қўшниси уйини таъмирлаётганини айтиб, эмульсия бўёғи тополмаётганидан зорланди. «Корхонада турли мой-поялар чиқазгунча бўёқ тайёрласанг савобга қондинг» деди. Тадбиркор бўлай ўйлаб қараса, қилса бўладиган иш. Дарҳол иккита хонани жиҳозлади, хомашё-чиқинди биде-р. Тўртта ишчи ажратди. Ҳозир кунига бир тоннадан бўёқ чиқараётган бўлсаям, савло, қурилиш ташкилотлари бююргасини бажаришга улгуро-майпти. Шу боис корхонасини кенгайтириш ҳаракатига тушиб қолди.

Яқинда Жиззахда тўғалланмаган қурилишларнинг кимовиди савдоси бўлганди. 600 минг сўмга дурустгина бино сотиб олди. Ҳовлиси ҳам бор. Энди корхонани шу ерга қўчирмоқчи. «Фақат жиҳозларни янги-сидан ўрнатман», деди. Шу ниятда республика кичик ва ўрта тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга қўмақлашувчи жамғармага мурожаат қилган. Улар 800 минг сўмлик имтиёзли кредит беришди.

Шу кунларда Мўминжон яна бир ишга қўл урди. Фалла ўрим-йғимни пайти трактор, комбайнлар учун бункерларни ағдаришга қўлланганидан сувоқлик, торма, сазавот омборлари совутишга сувоқликларини тайёрлашга киришиб кетди. Бу маҳсулотлар ҳам ноёб. Ханузгача республикамизга четдан келтириляпти. Мўминжоннинг айтишига қараганда қишқа фурсатда бу боралдаги тақчиллик ҳам барҳам топаркан.

Кори-ҳайрни унутмаган одамнинг иши ҳамини ўнгидан келавради. М. Бобоев яқинда турар-жоғига муҳтож икки ишчица уй сотиб олиб берди. Яна тўрт нафар кишига саломатликларини мустақамлашлари учун Тошкентдаги «Чинобол» санаторийсига йўланма совға қилди.

ИМАТИЛЛА ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Андижонсўт» хиссадорлик жамиятлари бирлашмаси вилоят ҳўжалиқларидан йилга 53 минг тонна сутни қабул қилиб олади ва уни қайта ишлаб 33 га экин сут маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бирлашма тарихида вилоятдаги 3 та сут заводи, саккизта сут қабул қилиш шохобчалари қиради. Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бирлашманинг 20 дан ортқ фирма дўконларида сотилади. Келажакда аҳолига сут ва сут маҳсулотлари етказиб беришни қўлайтириш мақсадида дўконлар сонини янада қўлайтириш кўзда тутилмоқда.

МДХ давлатлардан корхона учун зарур бўлган техник жиҳозлар, қадқолаш ва технологик линиялар олиб келиб ўрнатилмоқда. Шунинг ҳисобига йил бошидан бирлашма цехларида совун, шаклар ва куритилган сут маҳсулотлари каби янги турдаги аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

СУРАТЛАРДА: мухасирмоқ ишлаб чиқариш цехида (чапдан ўнгга) София Тешабоева ва Хожалхон Уриновалар иш устида; бу ерда вилоят ҳўжалиқларидан сут қабул қилинади; илгор ишчи Дилфуза Йилбарсова бирлашмада ишлаб чиқариладиган маҳсулот намуналарини намойиш қилмоқда.

Ш. ОЛИМОВ (Ўза) олган суратлар.

• ТошДўнинг 75 йиллигида ОЛИМЛАРНИНГ ОЛИЙ ДАРГОҲИ

Ўзбекистон Республикаси Вазиарлар Мақамасининг 1993 йил 5 июнда қабул қилган қарорига қўра Тошкент давлат университетини қоида тарихи этилган Олий педагогика институтини (ОПИ) ўша йилнинг 17 августидан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўтган вақт мобайнида республика Олий ўқув юрларида ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлардан дарс берувчи олим-педагогларнинг малакасини ошириш учун биринчи марта илмий конференциялар яратилди. Шунингдек, бажариладиган ишларининг асосий йўналишларини ҳам белгилаб олди. Шу асосда профессор-ўқитувчиларнинг тақомиллаштиришга амалий ёрдам берувчи концепция яратилди. Бундан ташқари илмий ўқув-усулвий ва тарбиявий ишлар соҳасидаги илгор тажрибаларни ўрганиш ва тарғиб этишни, республиканинг ички ва ташқи сивбатини, мустақиллик госянининг моддий қўча айланиш ҳаракатини тушуништириш боришни, тингловчи-педагоглар учун қўланмалар ва илмий мақолалар тўпламларини чоп этиш, тингловчиларга ўз малакаларини тўлиқ оширишлари учун барча имкониятлар яратишни, ётқонча шароитларини яхшилашни йўлга қўйди.

Кейинги бир йил ичида катта ташкилий ўқув ишлари амалга оширилди. Ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар бўйича 9 та кафедра ташкил этилди. Унингчи бўлиб педагогика-психология кафедраси иш бошлади. Ҳозирги кунда ижтимоий гуманитар фанлар бўйича 6 та, табиий фанлар бўйича 4 та кафедра, ўрта махсус ўқув юрлари бўйича эса битта бўлим мавжуд.

Тажрибали тингловчилар билан олиб бориладиган илмий ўқув-усулвий ва тарбиявий ишларининг самараси ва сифати, энг аввало профессор-педагогларнинг иқтидорига, фидойилигига, педагогик маҳоратига бевосита боғлиқ

нинг ҳар чоршанба кунини ўтказиладиган маърузалар, савло-жавоблар фойдадан ҳоли бўлмаяпти. Бундан ташқари «ЭКО-САН» жамияти билан биргаликда «Экология муаммолари ва олий мактаб» Мирзо Улўбек ижодиини ақс эттирувчи «Улўбек академияси ва олий мактаб» ТошДўнинг 75 йиллиги олдидан «Олий ўқув юрларида ижтимоий-гуманитар ва табиий фанларни ўқитишнинг ўқув-усулвий муаммолари» мавзусидаги конференциялар ўтказилди.

Институт жамоаси ташаббуси билан «Республика олийгоҳлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими» концепцияси ишлаб чиқилди. Шунга қўра малака ошириш институтининг дарс берувчи профессор-ўқитувчиларининг ҳам ҳар 2-3 йилда бир марта ўз малакасини ошириш ва олий ўқув юрлари ўқитувчиларига иккинчи мутахассислик бериш асослаб берилди. Олий ўқув юрлари талабалари учун республикамизнинг ўз истеълол ва таракқиёт йўлининг ижтимоий, сивбий ва иқтисодий муаммоларини ўрганиш бўйича услвий тавсияномалар тайёрланди. Натихада 40 дан ортқк илмий тўпламлар, мақолалар, дастурлар ва услвий тавсияномалар чоп этилди. 23 та номзодлик ва махор доктормик диссертациялари ҳимоя қилинди. Ҳар чакрик охирида тингловчиларга курсни битирганлиги ҳақидаги гувоҳнома-ларни топириш-мулоқот кунини жорий этилди. Бундай услвий ва ташкилий ишларни яхшилашда илмий кенгашининг ҳиссаси катта.

Келгусида бошқа республикалардаги етук мутахассис олимларни маъруза ўқишга таклиф этиш, иш фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмаштириш масалалари ҳам режамизга киритилган.

ШАМСИ ШАРОПОВ,
институт директори, профессор.

ТУРКИСТОН УМУМИЙ УЙИМИЗ

• **ТОШКЕНТ.**
Вазиарлар Мақамаси ўзбек шеърининг илғир намоёнаси. Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг адабиётимизга қўшган улкан ҳизматларини эътиборга олиб, унинг 80 йиллик юбилейини кенг нишонлаш тўғрисида фармойиш чиқарган эди. Шунга биноан юбилейни тайёрлаш ва ўтказиш республика ташкилот қўмитаси тузилиб, бу борадаги ишлар қизиқиб юборилди. Шу кунларда жойларда шоирнинг ҳаёти ва серқирра ижодида бағишланган адабий кечалар ўтказилди, юбилейга атаган телекўрсатувлар, радио эмиттиришлар тайёрланди. Катоблар наир этишга киришилди. 25 май кунини ташкилий қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда мутасадди ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари шоира тўйига тайёарлик ишларининг бориши тўғрисида ахборот берди. Юбилей татанаси бугун 30 май кунини пойтхатнинг муҳташам «Туркистон» саройида ўтказилади.

• **БИШКЕК.** Европа Тикланиш ва таракқиёт Банки Қўриқистон иқтисодиётини яхшилаш учун қарз бериш ниатида. Ишбу банкнинг вице-президенти Ром Фриман раҳбарлигидаги делегация Бишкекга таширф буюриб, республикадаги аҳолини ўрганиб чиқди. Ром Фриман журналистлар билан учрашиб, банкнинг республикага берадиган маблағи кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, алоқа тармоқларини қайта таъмирлаш, «Кўмтор» олтин қонидаги электр жиҳозларини тақомиллаштириш ва Иссықкўлни замонавий шаҳарга айлантиришнинг айтиди.

• **ДУШАНБЕ.** Бу ерда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан Тожикистон Соғлиқни сақлаш вазиарлиги ҳамкорлигида сивб касаллигига қарши кураш бўйича семинар ўтказилди. Анжуманда тиббиёт ходимлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этиди. Тадбирда бу ҳақида касалликка қарши профилактика ишларини қўлайтириш масалалари муҳтожам этилди.

• **ШУ ЙИЛНИНГ ШОҲ ОЙИ** бошида Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги соғлиқни сақлаш бўйича ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Айни пайтда ушбу тадбирга пухта ҳозирлик қўрилмақда.

ОЛИМЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзусида анжуман республика илмий-назарий конференцияси бўлди. Унда мамлакатининг Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиси иккинчи сессиясидаги нутқидан баён этилган вазиарлар муҳтожам этилди.

Анжуманда сўзга чиққан институт директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Х. Раҳмонқўлов, фалсафа фанлари доктори Б. Турев ва бошқалар фалсафа, ҳуқуқ фанларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлашдаги аҳамиятини оширишга доир фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

ФАФУР РАҲМАТОВИЧ БОТИРОВ



Бухоро вилояти Гиждувон тумани ҳўқими, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг депутаты Фафур Раҳматович Ботиров 1995 йил 28 май кунини бевақт вафот этиди.

Ҳ. Р. Ботиров 1953 йилда Бухоро вилояти Олот туманидаги Эски Олот қишлоғида дехқон оиласида туғилди. У 1975 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалиқини механизациялаштириш муҳандислари институтини битирганидан сўнг ўз меҳнат фаолиятини «Ўқитиш-қўжалиқ таъминот тузатиш»

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида Ўзбекистон билан Литва ўртасида ҳаво алоқаларини йўлга қўйиш ва ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш борадидаги битимни тасдиқлаш маросими бўлди. Битим «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Литва Республикаси

публикаси Алоқа вазиарлигининг фуқаро авиацияси департаменти томонидан тасдиқланди. Собик иттифоқ парчаланиб кетгандан кейин Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги авиақатновлар тўхтаб қолган эди. Мазкур битимнинг тасдиқлаши мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичини бошлаб берадиган дастлабки қадам бўлди. Зеро, ҳаво йўли орқали мамлакатларимиз ўртасидаги маданият, фан, тижорат ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун қўлай имконият яратилади.

РЕЖА УДДАПАНИ

Гиждувон тумани пиллакорлари республикада биринчилар қатори «кумуш тола» топшириш йиллик режасини бажарди. Давлатга 400 тонна сифатли хомашё етказиб берилди. Бу зафарга «Гулдустон», «Зарафшон», «Халқобод» жамоа ҳўжалиқлари салмоқли ҳисса қўшди.

ҚИШЛОҚ БОЗОРИ — ЖАҲОН БОЗОРИ БЎЛАДИ

Сўфон қишлоғи Кувасойни Кува тумани, қардош Қирғизистоннинг Найман қишлоқлари билан боғловчи йўл бўйида жойлашган. Илгари қишлоқда мўжажизна мол бозори бўлар эди. Энди ана шу чорраҳада катта бозор қурилиши бошлаб юборилди. Бозор қурилишини Кувасой шаҳар ҳўқимлиги, «Беход» жамоа ҳўжалиқти ўз зиммасига олган. Янги бозорнинг чор атрофи хусусий дўконлар, расталар билан ўралади. Харидорлар, тижоратчилар, тадбиркорлар учун барча қўлайликлар муҳайё қилинапти. Янги бозорнинг жутроғий жиҳатдан қўлай ерда жойлашгани уни

ДАСТАЛАБКИ ҚАДАМ

рамзий маънода «жаҳон бозори»га айланишига имкон беради.

КИММАТБАҲО ХОМАШЁ
Майдаланган оҳақ иссиқлик электр станцияларининг қони ва жони ҳисобланади. Республикада нурчилик бў зарур хомашёни асосан Россиядаги корхоналардан олишар эди. Қувасойлик цементчилар бу кимматбаҳо маҳсулотни тайёрлашни ўзлаштириб олишди. Энди «Қувасойцемент» ишлаб чиқариш корхонаси цехларидан цемент, шифер билан бирга майдаланган оҳақ ҳам истеъмолчиларга етказиб берилади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИШЛАШНИ БИЛАРДИК, ЯШАШНИ ЎРГАНАЯПМИЗ
Бекназар Муқимов бошлиқ пахтачилик бригадаси даласи ўтган йил 10 йил мудатта жамоа шаклидаги хусусий мулк қилиб берилди. Бригадада Бекназар ака 10 йил бошчилик қилган, бироқ ўтган йилдагидек натижага улар эришмаган эди. Бу ҳўқини шарҳлаб у қисқача «Ишлашнинг илгари ҳам билардик, энди яшашни ўрганапмиз», дейди. Ўтган йил у бошлиқ бригада ҳўжалиқ билан шартнома асосида иш олиб борди. Фермер ҳўжалиғига «Қатагон» деб ўз қишлоқлари номини беришди. Биринчи йилиёқ 80 гектар ерга дехқончилик қилиб гетаридан 33,8 центнердан пахта ҳўсили олишди. Ялпи ҳўқини 271 тоннага ташкил этиб, бир гектар ердан 3475 сўм ўрнига 4287 сўм даромад олишди. 2 гектар ердан 36 тонна пиёз, 14 гектар галлазордан 43 тонна дон ҳўсили йиғиштириб олишди.

«Янгиқўрган» жамоа ҳўжалиғидаги «Қатагон» фермер ҳўжалиғи аъзо-

• Хабарлар оқимидан

лари жорий йил ҳўсили учун ҳам сийқилидиган тер тўқишмоқда. Ҳа, улар ишлашни билдилар.

Темур ОШБОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АДИБ НОМИДАГИ БОҒ
Маълумки, Бухоро шаҳридаги Тўқимачилик туманининг 5 ва 6-тўраржой маззелари оралиғида юртимизнинг ав фарзанди, адиб ва олим Абдурауф Фитрат номида маданият ва истироҳат боғи барпо этилмақда. Шаҳар ҳўқимлиги ушбу боғни тезроқ фойдаланишга топширишга қарор қилди.

Бундай хайрли ишлар учун У. Юсупов номи жамоа ҳўжалиғининг шаҳарга яқин жойидан 58 гектар ер ажратилган. Ҳозирча унинг 8 гектари обод қилинмоқда. Жамоатчилик кўмағида бу ерда 2000 тўт мевали даррах қўчатлари ўтказилди. Демак, тез кунларда адиб номига қўйилган истироҳат боғи меҳнатқашларни бағрига чорлайди.

Машон ОТАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТУНУКА ҚОПҚОҚДАН ТОРТИБ ҚУДРАТЛИ ЭКСКАВАТОРЛАРГАЧА
Кейинги уч-тўрт йил ичида Хоразм вилоятидаги мева-сазавот маҳсулотларидан консерва ишлаб чиқарувчи корхоналар соғи 20 дан ортди. Ана шу маҳсулотлар жойланадиган шинша идишлар заводи қурилиши ҳам ниҳоятга етапти. Ҳўш, банкларнинг озғини ёпадиган тунука қопқоқлар-чи? Уларни ким етказиб беради?

Урганч экскаватор-таъмирлаш заводи мутасаддилари бу саволга жавоб топишди. Симферополдаги «Кримпромаш» заводи билан икки томонлама ҳамкорлик шартномаси

имзоланиб, амалий ишга киришилди. Урганчлик машинасозлар Кримга анча вақтдан бўён ўз харидорларини қўтаётган бир неча экскаваторлар жўнатдилар. У ердан эса тунука қопқоқ ишлаб чиқарувчи технологик ускуналар келтирилди. Хомашё—тунука боғдамларини етказиб бериш эса Беларусдаги «Варт» корхонаси зиммасига олди. Завод қўшидаги янги корхона йилга 10-12 миллион лона тунука қопқоқ ишлаб чиқаради. Бу билан вилоятдаги аксарият корхоналарнинг ана шу хил маҳсулотга бўлган эҳтиёжи қондирилиши мумкин.

Дарвоқе, вилоятда бу хил маҳсулотга талаб катта. Уни шу пайтгача четдан олиб келишган. Ибратли жиҳати шукки, қопқоқ ишлаб чиқаришни, асосан, автомат ускуналар амалга оширади. Бу эса юқори меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик таровидир.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАКТАБДА МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ТўГАРАГИ
Муборак шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ибн Сино номи 5-ўрта мактабда миллий таомлар тўғараги ишлаб турибди.

Мактаб маъмурияти тўғарак ўтказиладиган хонага охинона учун зарур бўладиган барча бўюмларни олиб берди. Табиий газ ўтказилди. Бу ерда мактаб ўқувчилари миллий таомлар тайёрлаш санъатидан воқиф бўлаёттирлар. Шу жиҳати диққатга сазоворки, ўқувчилар томонидан ҳозирланган турли-туман таомлар, пишириқлар шу ернинг ўзида ўқитувчиларга, ўқувчиларга сотилади. Таомлар тайёрлашдан тушган маблағ эвазига эса масаллиқлар сотиб олинади.

П. ГАДОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОШЛИҚ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбектелеком» концерни телефонни шартнома асосида ўрнатиш бўйича 1994 йилда Тошкент шаҳрининг Ҳама телфони тармоғи ҳамда Чирчиқ шаҳри алоқа тармоқларида ўтказилган тажриба натижаларини ўрганиш асосида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида янги талаб-эҳтиёжларни ҳисобга олиб, республикада ўтказилаётган ислохотлар сиёсатининг асосий принципларига амал қилган ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиш Қоидалари» янги лойиҳасини тайёрлади.

Бу қоидаларни тасдиқлашдан олдин жамоат фикрини, таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиш ва бу Қоидалар кўпчилигининг талаб-эҳтиёжига дахлдорлигини ҳисобга олиб, «Ўзбектелеком» концерни ушбу қоидалар лойиҳасини матбуотда эълон қилишга қарор қилди.

Бир ой муддатда биз сизлардан ушбу лойиҳа юзасидан ўзларингизнинг таклиф ва мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз. Таклиф ва мулоҳазалар ҳужжатларнинг тасдиқланишида ҳисобга олинади.

Таклифларингизни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: 700000, Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 24, «Ўзбектелеком» концерни; телефон: 34-96-08, факс 34-95-91

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Маҳаллий телефон алоқаси (шаҳар ва қишлоқ алоқа тармоқлари) маҳаллий телефон тармоғи ишлаётган доиралаги бир аҳоли манзилдаги ёки ҳар хил аҳоли манзилларида жойлашган фуқаролар хонадонига, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга сўзлашмиш учун ва турли ахборотларни узатиш учун алоқа корхоналари ва бирлашмалари томонидан берилади.

1.2. Маҳаллий телефон алоқаси узлуксиз сурункасига ишлайди. Маҳаллий телефон алоқаси шаҳарлараро, халқаро, телеграф, факслик алоқа, ахборот бериш хизмати ва бошқа хизмат турларидан фойдаланиш учун фуқаролар хонадонларига, корхоналарга, муассасалар, ташкилотларга ўрнатилган телефон аппаратлари ва телематик хизматларнинг аппаратлари ва телематик хизматларнинг (телефакс, телетекст, видеотекст) мосламалари орқали амалга оширилади. Ана шу фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар номига абонент очилади. Номига абонент очилган фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар телефон тармоғининг абоненти ҳисобланадилар. Абонент линиялари ва аппаратларига уланган телефон аппаратлари ва бошқа ёрдамчи ускуналарни абонентлар ўз ҳисобларидан оладилар.

1.3. Телефон алоқаси билан таъминловчи шаҳар, туман ва таксофон алоқа тармоқлари турли жамоат жойлари, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотларга ва юридик шахсларга таксофонлар ўрнатади.

1.4. Ўрнатилган жойига қараб телефонлар бир неча турга бўлинади:

❖ алоҳида ёки коммунал уйларида алоҳида хонада ўрнатилган шахсий фойдаланиш телефонлари;

❖ умумий даҳиз (коридорлар)га ўрнатилган умумий фойдаланиш телефонлари;

❖ корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўрнатилган телефонлар.

Уланиш усулига кўра телефонлар куйидаги турларга бўлинади:

❖ асосий, алоҳида симга уланган;

❖ асосий, жуфтлик схемаси бўйича бир умумий симга уланган, лекин ҳар хил рақамлик;

❖ параллел, асосий телефон симига уланган, бир хил рақамлик.

1.5. Алоқа корхоналари техник шарт-шароитлари бор бўлган тақдирда абонентларнинг аризаларига биноан амалдаги тариф ва келишилган нархларга мувофиқ ишлар бажаради ҳамда хизмат кўрсатади.

1.6. Аҳолига телефон тармоқлари рақамларини билдириш учун телефон алоқаси корхоналари ўз таркибларида маълумот-ахборот хизмати ташкид қилади, зарурят туғилганда телефон тармоқлари абонентларининг рўйхатларини нашр қилади.

1.7. Алоқа корхоналарида аҳолининг шаҳар ва қишлоқ телефон тармоқлари хизмати масаласидаги саволлари бўйича қабул ташкил қилинади.

II. ХИЗМАТ КўРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

II.1. Телефон ва бошқа мосламалар ўрнатиш учун фуқаролар, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар алоқа корхонасига расмий намунадагидек ёзма ариза топширади.

Корхона, муассаса ва ташкилотларга умумдавлат тармоғига чиқа оладиган 16 тадан ортиқ телефон ўрнатиш зарурияти туғилса, алоқа корхонаси томонидан ариза берувчиларнинг ҳисобларидан бирор идорага қарашли телефон станциялари ва бириктирувчи линиялар қурилишига техник шарт-шароитлар берилади.

Алоқа корхоналарида телефон ўрнатиш учун берилган аризалар ҳамда навбатда турганлар рўйхатда қайд қилинади ва бу рўйхатлар сақланади.

Телефон абонент регистрация ҳақини тўлагандан сўнг ўрнатилади, белгиланган ҳақни тўлаш учун алоқа корхонаси телефон тармоғи абонентини расмийлаштириш ва қайта расмийлаштириш, телефон аппаратини ўрнатиш бўйича кроссировка ишларини бажаради (шу жумладан, абонент линияси радиоузатиригичдан фойдаланиш билан), бунда бажарилаётган ишларнинг ҳажми ва зарур материаллар сони бундан мустасно; агар янги ўрнатилаётган абонент линияси охири нўқадан 20 метрдан ошмаса (кабель яшигидан, тарқатувчи коробакдан ёки симёғочдан, бўш нўқадлари бўлган ҳолда, ишлатилмаган линиялар бўлган ҳолда) регистрация ҳақига 1та розеткани ўрнатиш ҳақи киради.

Телефон ўрнатиш учун техник имконият бўлмаган тақдирда аризагачи шартнома нархида телефон ўрнатиш таклифи этилади. Яъни, 2 томоннинг келишувига биноан, аризагачи телефон ўрнатиш учун қисман ёки тўлиқ иши учун техник имконият берилади. Бу келишувга қўшимча қурилиш ишлари учун ҳақ тўлаш инobatта олинади (қўшимча қурилиш ишлари учун олинган тўлов ҳақи регистрация тўловга асосий ва параллел телефон аппаратини ўрнатишда ишлатилган материалларнинг миқдорига кўп бўлгани учун олинади). Бу ишлар абонент томонидан материалларнинг таннаҳи ва қилинган иш ҳажми учун, корхона раҳбари ёки таркибий бўлинмалар тасдиқлаган техник шартнома билан бажарилган иш учун тўланади. Техник шартнонинг бажарилиши 150 кундан ошмаслиги керак.

Шартнома 2 нусxada тузилиб, улардан бири абонентга берилади (шартномага қўй қўйилгандан кейин ариза телефон ўрнатиш учун инobatта олинади), 2 нусхаси алоқа корхонасига абонентнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига сақланади.

Келишилган нархда телефон ўрнатиш учун рози бўлмаган навбатда турган абонентларнинг аризалари шу жў, кўча, уй телефонлаштирилгандан кейин ёки телефон линиялари бўшагандан навбатда биноан кўриб чиқилади.

Ушбу қоидалар амалга оширилгандан кейин телефон ўрнатишда рўйхатда кўрсатилган имтиёзларга эга бўлган фуқароларнинг (1 илова) ва келишув нархига рози бўлмаган фуқароларнинг аризаларига асосан навбат ташкид этилади.

II.2. Тушган ариза алоқа корхонаси томонидан 15 кун ичида кўриб чиқилиши зарур, бундан кейин аризагачи телефон ўрнатиш учун сўнгги нарх кўрсатилган шартнома лойиҳаси таклифи қилинади. Аризагачи рози бўлган тақдирда телефон ўрнатиш учун шартнома расмийлаштирилади (тасдиқланган формада), бунда тарфларнинг мажбурият ва масъулиятлари ҳамда тўловнинг қанчаллиги (регистрация учун тўлов, зарурят туғилганда линиядаги ишларнинг бажарилиши учун тўлов ҳам киритилади), шунингдек ўрнатиш муддати кўрсатилади.

Шартнома 2 нусxada тузилиб, биттаси абонентга берилади (шартнома имзоланган, ариза телефон ўрнатиш учун қайд қилинган деб ҳисобланади), иккинчи нусхаси эса алоқа корхонасига абонентнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига сақланади.

II.3. Шартнома бўйича ишларни бажаришнинг максимал муддати 1 ойдан ошмаслиги, магистрал таркатиб берувчи кабелларни ётқизиш ёки реконструкция қилиш зарурияти туғилганда — 150 кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Алоқа корхонаси ва аризагачи томонидан ўзаро тузилган шартномага асосан муддат қисқартирилиши мумкин, бунда ҳар тўлиқ 25 кун учун шартнома нархи 20% га ортади.

Шартнома бекор қилинган тақдирда аризагачининг берган аризаси, унинг хоҳишига биноан, II.1 бандида қайд этилган тартибда қониқтириш учун сақланади.

II.4. Фуқароларнинг янги турар жойга ўтиши муносабати билан телефон ишлашини тўхтатиб қўйиш, бошқа ерга ўтказиш, абонент очиш ва бошқа номга ўтказиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

II.4.1. Абонентнинг бошқа турар жойга ўтиши пайтида хонадонга ўрнатилган телефон фойдаланиш учун шу хонадонда қолган оила аъзоларидан бирига қайта расмийлаштирилиши мумкин, бунда регистрация тўловининг амалдаги тарифи бўйича 20% дан ортиқ бўлмаган ҳажмда ёки абонент ўлими муносабати билан қайта расмийлаштириш тақдирда — 10% дан ортиқ бўлмаган ҳажмда ҳақ тўланади.

Абонентнинг фамилияси ўзгарган тақдирда, у телефонни қайта расмийлашти-

риш учун амалдаги тарифнинг 10% дан ортиқ бўлмаган ҳажмда ҳақ тўлайди.

II.4.2. Хонадонларнинг алмаштирилиши муносабати билан, иккала хонадонда ўрнатилган телефонлар 1та алоқа корхонасига қарашли бўлса, абонентнинг қайта расмийлаштириш регистрация тўловининг амалдаги тарифи бўйича 20% дан ортиқ бўлмаган ҳажмда ҳақ тўланади.

Қайта расмийлаштириш иккала томондан ариза тушган тақдирда амалга оширилади.

II.4.3. Фуқаролар телефонлаштирилган хонадонга кўчиб келган тақдирда қачонки улар ариза берса ҳамда регистрация тўлови ҳажмида ҳақ тўласа шундангина уларга телефон қайта расмийлаштириб берилади.

Телефонлаштирилган хонадондан абонент жўнаб кетса, янги турар жойига вилот чегарасида (Қорақалпоғистон Республикаси), телефон ўрнатишга ва имтиёзли ҳақ кўрсаткичи бўйича тўлашига асос бўладиган маълумотнома алоқа корхонаси томонидан берилади. Маълумотномага туман маҳаллий телефон тармоғининг раҳбари имзо қўлади.

II.5. Корхона, ташкилотларнинг жойи ўзгариши муносабати билан телефонларни бор бўлганлигини инobatта олган ҳолда, янги жойлашадиган бинолардаги бор телефонларни ўз номига расмийлаштириш телефонларнинг сонига қараб 20% нархда амалга оширилади; ортиқча ҳар бир телефонни расмийлаштириш 100% регистрация нархида амалга оширилади.

Ташкилотлар томонидан бошқа корхоналарга жойларни ижарага бериш муносабати билан у ерда ўрнатилган телефонларни ўз номига ўтказиш ҳам регистрация нархида 100% да амалга оширилади.

II. 6. Абонент фаолияти куйидаги ҳолларда тўхтатилиши ёки тугатилиши мумкин:

❖ абонент аризасига кўра;

❖ алоқа корхонаси ташаббусига кўра (агар абонент томонидан ушбу қоидаларнинг, 4.2, 5.3.3, 5.3.4. бандларида кўрсатилган мажбуриятлар бузилган тақдирда.);

II. 7. Абонент линиясига улана оладиган телефон ва бошқа мосламаларни ўрнатиш учун рақамларни (номерларни) ажратиш ҳақидаги қарор алоқа корхонасининг раҳбарияти томонидан қабул қилинади.

Телефон розеткалари абонентнинг кўрсатмасига биноан, техник нормалар талабига жавоб берадиган жойга ўрнатилади.

Ўрнатилган розеткаларга уланган телефон аппаратлари ва бошқа мосламалар техник нормаларга жавоб берадиган бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат рўйхати (реестри)дан ўтганлик сертификати ҳам бўлиши керак.

Телематик хизматларнинг мосламалари ва маълумотларни узатиш алоқа корхоналарида қайд этилиши шарт.

II. 8. Ўрнатилган телефонларни жуфтланган схема бўйича ишлашга ўтказиш корхона ташаббуси бўйича абонент розилигисиз амалга оширилади.

Телефонни жуфтланган схема бўйича ишлашга ўтказиш рақамларини ўзгарттириш абонентга шу ҳақда билдириш хати юборилгандан сўнг, 10 кундан кейин амалга оширилади.

Агар абонент жуфтланган телефонни улаш бўйича бажарилаётган ишларга қаршилик кўрсатса, унинг телефонни ўчириб қўйилади, бу ҳақда у алоқа корхонаси томонидан огоҳлантирилади.

Кўриқлаш сигналзацияси учун фойдаланилаётган телефонларни жуфтланган схемага улаш кўриқлаш бўлимига ёзма билдиришнома юборилгандан сўнг 30 кундан кейин ўтказилади.

II.9. Янги телефон станцияларининг ишга туширилиши ва телефон тармоқларининг кенгайтирилиши муносабати билан телефон рақамларини ўзгарттириш абонентлар розилигисиз амалга оширилади.

Телефон рақамларининг оммавий уланишида ахборот воситаларига олинган эълонлар берилади ва бу эълонлар уйларнинг йулақлари ҳамда маҳалла идораларида осиб қўйилиши керак.

II.10. Абонентнинг имтиносига кўра, аризада кўрсатилган муддатта телефоннинг вақтинча узиб қўйиш рўхсат этилади. Бундай ҳолларда абонентнинг телефон рақами сақланади ва сақланган вақтлар учун абонент ҳақ тўлайди.

II.11. Алоқа корхоналарининг ташаббусига кўра, корхона, муассаса ва ташкилотларда ўрнатилган телефон ҳамда бошқа мосламаларни вақтинча узиб қўйиш куйидаги ҳолларда рўхсат этилади:

❖ керакли таъбирлар ўтказиш вақтида телефон алоқаси билан таъминлаш мақсадида; 2 ойдан кўп бўлмаган вақтга;

❖ табиий офат ва фавқулодда ҳодисаларда.

III. АЛОҚА КОРХОНАЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

III.1. Телефон алоқаси ишининг сифатини таъминлаш, телефон алоқаси баланси ёки техник хизматида бўлган таксофон, линия ва станцион иншоотларнинг ишга яроқлигини сақлаш.

III.2. Янги телефон станцияларининг ишга туширилиши ва телефонларни ўрнатишнинг тахминий муддатлари ҳақида кўрсатиладиган ва қайта киритилган хизматлар ҳақида, шунингдек, телефон тармоғига уланган телефонларнинг ҳамда бошқа мосламаларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш масалаларни бўйича аҳолига мукамал ахборот бериш ҳақида, кўрсатиладиган хизматнинг шарт-шароитлари ва тартиби ҳақидаги маълумотларни аҳолига маҳаллий радио, мтбуот ва телевидение воситалари орқали, шунингдек, аҳолини қабул қилиш жойларида, абонент бўлимларида ва барча алоқа тармоқларида эълонларни осиб қўйиш орқали билдирилиши керак.

III.3. Абонентларнинг аризаларига биноан, назорат қилиб туриладиган вақт ичида телефон алоқасидаги бузилишларни бартараф қилишлари керак. Абонентлар томонидан телефон аппаратларини ва бошқа мосламаларни ремонт қилиш ва бошқа ишларни бажариш учун чақиртирилган алоқа корхоналарининг хизматчилари фотосуратлик, муҳр билан тасдиқланган гувоҳномалари ва бажариладиган иш нарҳининг кўрсатишлари керак.

III.4. Абонент айбисиз телефони бир суткадан ортиқ ишламагани тўғрисида ремонт бюросига ариза тушган вақтдан бошлаб ва ушбу Қоидаларнинг II.11 бандида кўрсатилган ҳолларда абонент тўловини қайта ҳисоблаш амалга оширилади.

III.5. Қоидаларнинг II.10 бандида кўрсатиб ўтилган ҳолларда, абонент хонадонининг телефон рақами ўзгарттирилишига 10 кундан кам бўлмаган вақт қолгандан хабар берилади (телефон кўриқлаш сигналзациясининг пультага уланган бўлса, абонентга ёзма равишда топширилганлигини қайд қилиш билан хабар берилади).

III.6. Қоидаларнинг II.12 бандида кўрсатиб ўтилган ҳолларда, телефон ўчирилишига 3 кун қолганда абонент бу ҳақда ёзма равишда хабардор этилади. Фавқулодда ҳолларда эса абонентлар телефон орқали хабардор этилади.

III.7. Абонентлардаги бор телематик хизмат ва маълумотларни узатиш мосламаларини рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади.

III.8. Абонентлар аризаларига биноан, амалдаги тарифлар бўйича тўлов билан, уларда ўрнатилган телефон аппаратлари ва бошқа мосламалар техник шартносларга тўғри келишини текшириш амалга оширилади.

III.9. Абонент томонидан алоқа корхонасига рўйхатдан ўтмаган телематик хизматнинг мосламалари, шунингдек, мосланганлик сертификати бўлмаган телефон аппаратлари ва бошқа мосламалар уланганлиги маълум бўлган тақдирда, бу аппарат ва мосламалар узиб қўйилади.

III.10. Бегона шахс томонидан ишлаётган телефон ёки таксофонга ўзбошимчилик билан телефон аппарати уланганлиги маълум бўлган тақдирда, бу аппарат ёки мослама олиб ташланади.

III.11. Абонент мосламаларининг техник инспекциясини амалга ошириш.

III.12. Бўшатилган рақамлардан фойдаланиш.

III.13. Расмийлаштирилмаган телефонни ўз вақтида узиб ташлаш.

III.14. Рўйхатдан ўтмаган мосламаларни қайтадан улаш маълум бўлган тақдирда (акт орқали расмийлаштирилган), абонент ёпилади.

IV. АБОНЕНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

IV.1. Абонент куйидаги ҳуқуқларга эга:

❖ ўзларининг мосламаларидан сифатли ва узлуксиз телефон алоқа хизматида фойдаланиш;

❖ абонент айбисиз 1 суткадан ортиқ муддатга телефон алоқаси узилиб қолганда, абонент томонидан ремонт бюросига талабнома берган вақтдан бошлаб, телефон ишламаган вақтга абонентлик ҳақи ва унга қўшимча ҳақни тўламаслик;

❖ «01», «02», «03», «04» махсус хизматлари тегиб алоқасидан текши фойдаланиши;

❖ телефон розеткаларига ўзлари томонидан топиб олинган, алоқа корхоналарининг белгиси бор бўлган ишга яроқли телефон аппаратларини улаш;

❖ абонентнинг ўз оила аъзоларидан бири номига ўтказиш;

❖ ўз телефонини тижоратчилик мақсадида ишлатиш зарурияти туғилса, телефонни ташкилот телефони каби расмийлаштириш;

❖ абонент фаолиятини тугатиш;

❖ ўрнатилган тартиб бўйича алоқа корхоналарининг хизматчилари иши юзасидан шикоят қилишлари.

IV.2. Абонент мажбури:

❖ ўзбошимчилик билан телефон розеткалари ўрнатиш ёки жойини ўзгарттириш ва техник норма шартларига тўғри келмайдиган телефон аппаратларини розеткага уланишига йўл қўймасликларига;

❖ алоқа корхоналарида рўйхатдан ўтмаган телематик хизмат ва маълумотларни узатиш мосламалари телефон розеткаларига ўзбошимчилик билан уланишига йўл

қўймасликларига;

❖ телефондан фойдалангани, шаҳарлараро телефон гаплашувлари, кредитга телеграмма юборганлиги ва бошқа телефон хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўлашлари;

❖ хонадондан чиқиб кетишлари тўғрисида бир ой мобайнида алоқа корхоналарига хабар беришлари.

IV.3. Телефон ва бошқа мосламалардан яқка тартибда фойдаланидиган (хонадон сектори) абонентлар, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотлар, шу жумладан, меҳмонхона, ётоқхона, санаторий, дам олиш уйлари, чет эл ваколатхоналари ва бошқалар ўзларининг мосламаларидан кўрсатилаётган хизмат учун моддий жавобгардилар.

Жамоа бўлиб фойдаланиладиган мослама (хонадон сектори) учун жавобгар абонент, шунингдек, бегона шахс мосламаларни ишлатган тақдирда кўрсатилаётган хизматлар учун ҳам моддий жавобгардилар.

IV.4. Маҳаллий телефон алоқаси раҳбарияти ва абонентнинг ҳуқуқ ва узаро мажбуриятлари телефон ўрнатиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш мобайнида ўзаро тузилган шартномада изохлаб берилади.

V. КўРСАТИЛГАН ХИЗМАТ УЧУН ҲАҚ ТўЛАШ

V.1. Алоқа корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун тариф ва келишилган нарх бўйича ҳақ тўланади.

Маҳаллий телефон гаплашувлар учун вақтбай ҳисоб-китобининг техник воситаларини таъминлашнинг тайёрлигини ҳисобга олиб, тўловнинг вақтбай системаси киритилади.

V.2. Телефон ва бошқа мосламаларни ўрнатиш учун ҳақ тўлаш шу хизмат учун берилган бюртмани расмийлаштириш вақтида абонент томонидан тўланади. Телефон ва бошқа мосламалардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш улар уланган кундан бошлаб амалга оширилади.

V.3. Телефондан фойдаланганлиги ва телефон юзасидан кўрсатилган пуллик хизмат, хизмат учун ҳақ тўланганлиги ёки ушбу Қоидаларни бузган абонентларнинг телефон ишини тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва тиклаш учун пул ўтказиш тартиби ҳамда муддатлари куйидагилардан иборат:

V.3.1. Телефон алоқасининг хизматлари учун тўланган пул юқорида қайд этилган ҳақни қабул қилиб олиш ваколатига эга бўлган алоқа тармоқлари ёки почта алоқа бўлимларида, банк муассасаларида қабул қилинади.

V.3.2. Телефондан фойдаланиш ҳақини хоҳлаган муддатга тўлаш мумкин, фақат бир ойдан кам бўлмаслиги керак. Агар ҳақ ойнинг 15 кунгача келмаса, алоқа корхонаси абонентни телефон орқали огоҳлантиради, 25-кунгача тўланмаса, телефон узилиши ҳақида огоҳлантиради, 30-гача ҳақ тўланмаса, абонент беркитилади. Телефон орқали огоҳлантириш ҳақида абонент карточкасига белги киритилади. Агар абонент телефонда жавоб бермаса, алоқа корхонаси ёзма огоҳлантиришга мажбур.

Ойнинг 25 кунгача абонент ҳақи тўланган ҳолда, абонент телефон орқали алоқа корхонасига тўланган вақти ва жойи ҳақида хабар бериши лозим.

Телефонни қайта улаш бир ойлик абонент тўлови миқдорига пул тўланганда бажарилади. Бунда уланиш 1 суткада амалга оширилади.

Абонентнинг тикланиши унинг кейин 30 кун ичида (алоқа корхонаси шу вақт давомида телефоннинг ишлашини тиклаш имкониятини сақлаб қолади), бу тикланиш телефон билан фойдаланиш учун тўлов ва қўшимча тўлов (қарзлар) киритилган тақдирда, шунингдек, абонент беркитилган вақт учун ва регистрация тўловининг 20% ҳажмида тўлов киритилган тақдирдагина тикланади.

Абонент ишининг тугатилишидан 30 кун ўтса, абонентга телефон қайта, ушбу қоидаларга биноан, янги ўрнатилаётгандек, ўрнати

Таваллудининг 80 йиллигига

ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН ҲАЁТ САФРОЛИ

ЗУЛФИЯ ҲАҚИДА СЎЗ

Одамнинг умри хотираларга айланиб борадиган бир нарса экан. Ҳаёт хотиралардан иборат бўлгани каби адабиёт ҳам бошдан оёқ хотиралар хазинасидир.



гирмонидан янчилик кетмайди. Шейрга айланган хотиралар асилланади. Абдиётга ошно тутинади. Асрлар қазирдан яна янгидан янги асрларга кириб боради. Албатта, хотиралар доим зиддиятга айланиб боради. Ушундан яна айтадиган бўлсак, ярми офтоб — ярми соя, ярми довул — ярми мавж, ярми сариқ — ярми яшил... Лекин одамнинг умри шундай бўлади эканки, довуллар ўтади, мавжлар қолади. Ва фақат шейрга довулларнинг шиддатидан мавжларнинг гузаллигини ва абдиёт битмас симфониясини ярата олади. Зулфияхонимнинг шеърини ўз даврининг, шу севги, иқбол, садоқат ва рўшномликка ташна қиз қалбининг ҳаёт оҳанглирига беҳад бой симфониясидир. Зулфияхоним XX аср ўзбек адабиётининг катта авлодига мансуб санъаткорлардан. У ҳаммазининг хотирамиз ва дил-фаросатимизни тарбиялаган ўша катта авлоднинг улуг номиларига

издошлик қилди, уларга жўр бўлди, ўз такрорланмас созини топди ва улар сафиди елкадош бориш ҳақини қозонди. Фафур Гулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон билан баробар бўйлашиб, шеър эшиш осон эмасди. Лекин Яратган шу ўзбек қизига буюк бир интилиш, завқ ва истеъдод ато қилдики, шонли булбуллар оҳанграбо овозлари ичида ҳаммаша Зулфиянинг ҳам жарангдор саси янграб эшитилиб турди. Зулфияхонимни садоқат тимсоли дейишди. Ростдан ҳам, барча шеърлари, достонларининг замири шу туйғу, шу олижаноб туйғуга қурилган. Қадимдан қолган нақд борким, одам қандай бўлса, шеър ҳам шундай. Табиат Зулфиянинг хамирини садоқат қимёси билан қорган. У ҳар қандай шароитда ўз халқининг садоқатли қизи бўлолди. Ҳар қандай шароитда суюқли Ватан Ўзбекистонга садоқат сақлади. Унинг садоқати комил эътиқод даражасига етишди. Зулфия шахси ва ижодиёти жозибасининг сирини ҳам фақат мана шунда — эътиқоднинг комил нуқтага кўтарилганда. Коинот ҳам бизга марҳаматли эгамиздан хотира. Одам боласи ҳам бизга унинг марҳаматидан хотира. Бағоят ноёб хотира. Зулфия ўттизинчи йиллар бошида қўлига қалам олгандан бери олам ва одамнинг шундай ноёблигини бутун вуқудга, қалби билан ҳис қилди. Ҳар сафар унинг ипакдай пишқирган кўз югуртирғанда кўраимиз. Ер, осмон, одам, садоқат, меҳр, эътиқод унинг учун муқаддас. Ҳар сағрида ибодат бор, сизиниш бор: баҳорга, тонгларга, шаффоф нурларга. У ўз ибодатида сизиниш соғинади. Соғиниб сизиниш. Унинг бари шеърлари ибодат. Завқи йўқ одамнинг, эҳтироси йўқ одамнинг, эътиқоди йўқ одамнинг ибодати ўтмайди. Зулфиянинг шеърлари завқ, эҳтирос, эътиқод ажиб бир ҳарир пардага чулгангандир. Бутун ҳеч кимга сир эмас. Муқаддас мустақилликкача бўлган оғир тузумнинг мафкураси одамларни, одамлар орқали миллат ва миллатларнинг тиз чуқтириш, миллатларнинг шайъ-шавқатини сундириш, гурурини синдиришни асосий мақсад қилиб қўйди. Бунга ақл бовар қилмайдиган доғули, маккорона йўллар билан эришди. Расмий эътиқод мафкура миллатларнинг шоирларини ҳам тиз чуқтириш пайида бўлди. Мафкуравий зуравонлик шоир сўзини енгиши мумкин экан. Лекин табиатнинг адолатини қарангким, ҳар қандай зуравонлик асосида охирикчи яшириниб, пайт пойлаб ётади. Ўша расмий зуравон мафкура миллий шоирларнинг қалбларини енголмади. Асл орзу-аъмолларини енголмади. Шоирларнинг оёқларини букди, синдириди, лекин қалбларини тиз чуқтиролмади. У қалбларни эгаллай олмади. Ўша даврларнинг энг яхши асарлари ва шоирларнинг кейинги гувоҳликлари бунини исботлаб турибди. Зулфия саксон ёши арафасида «Хотирам синиқлари» дostonини бизга тортиқ этди. Уша давр ҳақида гувоҳлик бўлса, шунчалар бўлар. Ростгўй сўз бўлса, шунчалар бўлар. Эътироф бўлса шунчалар бўлар.

булар. Тазарру бўлса, шунчалар бўлар.

Даҳшатли машинага қарши турулмаганларнинг қалблари фарёдларга тўлиб ётарди. Армонларга тўлиб ётарди. Ҳар сўз, ҳар сатрдан фарёд саси, армон саси келарди. Бу улуг ёшда шунчалар сарнаво асар яратиш ажиб жасоратдир. Зулфияхонимнинг шоир овози ер юзидан тинчлик-омонлик тиланган барча софдил кишиларнинг овозига ҳамдам, ҳамнафас янграйди. У доим катта нафас билан ижод қилди. Жаҳон шоирларини шеърини мусобақага чорлади. Мушоираларда озолик гоёси етилади деб эътиқод қилди. Дунё шоирлари олдига овозини эшитдилар. Зулфия шеърининг тиниқ чирғоғи атрофига жаҳон шоирларининг гўлаб шеърлари жам бўлди. Зулфиянинг шеърини дунё шеърларининг ҳамма нуқталаридан баралла кўзга ташланиб турди. Зулфия опа! Сиз шу буюк эъзозли ёшга кирмоқ учун ўзингизда куч ва ирода топа олдиз. Биз бунда ҳам айнан сизга хос комил садоқатни кўришни истаймиз. Сиз бунда ҳам улуг сафдошларингизга садоқат сақлагингиз. Фафур Гулом учун, Ойбек учун, Ҳамид Олимжон учун, Миртемир, Шайхозода учун ҳам саксонга кирдингиз. Бугун сизга таъзим қила туриб, ўша нурафшон сиймоқларни кўргандек бўламиз. Улар сўзларини эшитгандек бўламиз. Бугун сизнинг садоқатингизга фақат битта улуг муқофот бор! У ҳам бўлса, сизга халқнинг, ўқувчиларининг меҳри, садоқатидир. Умр, ижод ва илҳом сизга ҳаммаша шундай вафо қилсин! Иброҳим ҒАФУР.

Эҳтиром

Адабиётлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак хилма-хил даврларда яшаб ўтган хилма-хил ижодкорларга назаримиз тушади. Улар, албатта, ўз даврларининг, ижтимоий муҳитларининг, бориники, турли оқимларнинг куйчилари ёхуд вакиллари бўлганлар. Замонлар ўзгаргани билан уларнинг ижодларидаги энг ўлмас, умуминсоний жиҳатларини нариги авлодларга бамисоли сўнмаган олов ёхуд

Сўнмас олов

тирик гулдастала каби ўта олганлар. Биз ижодкорларнинг ушбу фазилатларини маърифий-эстетик аҳамиятга молик жиҳатлар деб атаб келамиз. Шу маънода Зулфия опамиз ижодда авлодлардан-авлодларга далайлик билан турли имтиҳонларни бартараф этиб ўта оладиган фазилатлар талайгина. Биргина садоқат вафо мавзусини олинг: бу борада Зулфия опамиз шеърини якто

шеърятдир. Ёхуд бадий ижоднинг асосий мезони бўлмиш самимият туйғусини олиб қарайлик: Зулфия опа ижоди самимият дурлари шовуллаб тўкилиб турган азиз бир боғдир. Шундай шеърини барпо этган ва эътибор Опажонимиз билан замондош эканимдан фахрланаман. Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири.

ИҚРОРГА ВАҚТ ЕТДИ

Ижод денгизининг масъуд жўшқинини Кўмсаб, дил боситин очаетирман. Олда бекатларнинг тўйиб йўқлигини, Потугал машқларим сочаётирман. Уйласам, ҳаётга ўзин бағишлаб, Бурчлар саваабди мисоли жала. Маҳрам қаламимни тишимда тиллаб, Яшабман ишларим соҳ бут, соҳ чала! Гоҳи хат қаламни бўлмай ўтқирлаб, Столмиди қоғоз ётар зафарон... Шу туйғу савааб кўксимни тарлаб, Гоҳи шом, гоҳ саҳар уйларим гирён. Ҳордиқ билмас толган дилим парчалаб Ҳилар менам қутар оташдай сўзлар. Қалбимнинг тубида қолдимиз яхлаб, Мен кўр бахш этмаган номсиз юлдузлар... Қанча таваллолар қилмай тақдирдан, Соқилган умримдан бермас бир йилни. Силқиб-силқиб қанча сув бермасин ер, Кудўр ҳеч ҳаётда тўлиб-тошарми?

Зулфия, Ўзбекистон халқ шоири

Дўстлик чаманидан...

... ГА Эсимдадир ажиб дам ҳали: Кўз олдида бўлдинг намоем, Пок эъзалик даҳоси каби, Бир лаҳзалик ҳаёл, тушимсон. Ғам-аламдан дилим ёнганда, Тушларимда кўрдим чехранени, Ҳаётдаги бўш-бўш суронда Келиб турди товушинг жаранги.

Мустай КАРИМ

ОШИҚМА, КЕКСАЛИК

Ҳали ҳўлаганим севин ютганим йўқ, Отан ўқ ишонга эммаган ҳали. Ёшларим баҳори суз очгани йўқ, Какку кўяр ишлар битмаган ҳали. Ошиқма, кексалик, мунча талашма, Бир муҳаббат кўйин айтишим дарқор. Соғин раҳатидан юрагим қийма, Ерда агнаб-агнаб йиғлашларим бор.

Ошиқма, кексалик, ҳовлиқма фақат, Туратур, ҳали йўқ юмшоқ тушагим. Йўқдир дастурхонга қўйгани неъмат Ва олтин кўзалар тўла шарбатим. Агар кела қолсан, ўзингдан ўқин, Ҳали мен бўл бола бўлиш орзум бор. Ақса бўйсунмас юрагим ўти, Таваб-тазарруи ишлар қилғум бор, Ошиқмай турганинг маъна, кексалик! ЗУЛФИЯ таржималари.

Шоғирлар табриги

«ШУ-ДА БИР ЯШАШ!»

(Мактуб) Университетни битириб, Фарғона вилояти газетасига хизматга борганида Шерали Тошматов деган ёшча билан бир хондада ишлардик. Раҳматли яхши одам, маънатли журналист, биринчи устозим эди. Ундамиз сиз ва шеърларингиз ҳақида кўп яхши гаплар эшитганман, ўшанда.

Кейинчалик эса сиз билан бирга ишлаш насиб этди. Шунда сизни янада кўпроқ танидим, яқиндан кўраш эдим. Шеърингизнинг ўзи тенги йўқ, қийс йўқ бахт! Сиз бир умр йўл юрдигиз. Қаддингизни тик, мағрур тутиб, шамолларни енгиб одим отдингиз. Ва ўзингизга Кел, кўйсиз юракка Кўнлик бағишлаб, Кўлгисиз лабларга ўргат табассум. Бахтинг соҳ, дард бўлса Тинишда тинлаб Енга олсанг энгу бўлса ҳеч таслим! деб буюрдингиз. Эсингиздами, бир марта хузуригизга кириб, кичик бир нохушликни айтиб, йиғлаб юборганимда сиз койиб «Биров кўрмасин кўз ёшингизни. Мен... энг қийин пайтларда ҳам биронинг олдига кўз ёш тўкмадим. Ҳар қандай йиғлаш бўлса... Ёлгиз қолганда... Сиз эса бахтга чўмилган аёлсиз», дегандингиз. Ингирма йил сиз билан ёнма-ён ишлаш, сиздан ўрганиш, сиз билан бирга кўчишиб, бирга ташвиш чекиш

Экспресс-интервью

ЎЗБЕК АЁЛИНИ ЖАҲОНГА ТАНИТДИ

Зулфияхонимнинг муборак тўйи арафасида пойтахтимизнинг Амир Темур хайбонида сайр этиб, юрган шоирнинг таниш-нотаниш муҳаббатлари қўйидаги гапларни эшди.

Абдуллажон КАҲХОРОВ, ишчи, Наманган вилояти Уччи тумани: — Мен Зулфия опани ўзбек аёлини жаҳонга танитган шоира сифатида хайбонидан кўтаринлик бор. Ўқиб толиқмайдиган киши. Анвар ХУДОЙҚУЛОВ, ТошДУ толиби: — Зулфиянинг шеърларида шаффоф сўзлар шундай терилган-

Шеърларида ҳам аёлларга хос нафислик сезилиб туради. У яратган мактабдан юзлаб, минглаб шоғирлар етишиб чиқди. Хайрулла ПУЛАТОВ, II-гурӯх ногирони, Тошкент шаҳри: — Зулфия яратган иккита мактабни билдим. Улардан бири вафо-садоқат, иккинчиси шеърини мактабидир. Мавлуда АБДУЛЛАЕВА, муаллима, Бўз тумани: — Зулфия опани мен ўзбек аёлларининг зийрак ва тийрак оназоми — «Саодат» деб билдим. Биз бу моҳир журналист раҳбарлигида нашр этилган ана шу ойнама мактабининг ўқувчиларимиз. Биз унда ҳаётни ўргандик. Сўхбатни «Халқ сўзи» муҳбири Файзулла БОБО ДУСТ уюштирди.

Камалак

УЛУГЛИК САЛТАНАТИ

Шоира Зулфия мумтоз истеъдоди, латиф шеърлари билан ўзбек адабиётида, ўзбек ўқувчилари кўнглида қандай макке эгаллаб, қанчалик иззат-эҳтиромга сазовор бўлган бўлса, ота Туркистон халқлари — қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар, қорақалпоқлар, уйғурлар ва бошқа халқлар орасида ҳам шунчалик обур-эътиборга ноил бўлган ижодкор, устозлик макомига, улуглик салтанатига эришган соҳиб сўздир.

Шубҳа йўқки, Зулфияни устозлик макомига кўтарган омиллар сирасида шоирамизнинг қорақалпоқ ижодкорлигига бўлган муносабатини унинг ижоди ва фаолиятига энг ёрқин, энг самарали саҳифа десак, қорақалпоқ ижодкорларининг Зулфияга бўлган эҳтирмоларини қардон халқлар адабий алоқаларининг энг гузал намунаси деб кўрсатишимиз лозим. Тўғри, Зулфия ижодиётида халқлар дустлиги, тинчлик, байналмилаллик беш мавзулар қаторида кўзга ташланади (Тожикистон, Арманистон, Қозғистон, Арабистон, Ҳиндистон сафарларида турган шеърини туркумларини, ёки оламшумул шухрат қозонган «Мушоира» манзумасини эслайлик). Гулал тўроқ узра куйлиб оқшом, Кундуз алар дам. Жўшқин мушоира этади давом, Дастим, кел сен ҳам! Давраимиз меҳраи тўлақ бир олам, Дустлар бари жам. Булук мушоира этади давом, Келингиз сиз ҳам! Шундай дустона баэмда, Зулфия опанинг байналмилал шеърини анжуманида қорақалпоқ халқи ижодкорларига алоҳида меҳр-муҳаббат кўрсатилиши диққатга сазовор ҳодисадир.

Шеърларини уч жилдик сейланма асарлари мажмуасидан жой олган «Бир дарёнинг икки қирғоғи» номли муъжаз мақолада мана шундай муносабатнинг равшан намойишини кўраимиз. Қорақалпоқ адабиётига бағишланган маъқула мақолада Зулфия бу адабиётнинг улкан бойтегарлари — Бердақ ҳазрат, Аббос Доғилов, Жўлмура Оймирзаев, Тўлепберган Қайбергенов, Ибройим Юсуповлар, шунингдек, шоғирларни — Гулистон Матёқубова, Гулчехра Раҳимова, Набира Тўрешова, Фотима Мирзабаевалар ҳақида тиниқ, самимий фикрлар билдириди, халқ маънавияти хазинасини беэзаб турган дурдона достонлар турисиде тўлиб-тошиб ётади. Айниқса, Зулфия адабиётининг филоий тарғиботчи сифатини, қорақалпоқ нарсининг паҳлавон Тўлепберген Қайбергенов, қорақалпоқ шеърининг дарғаси Ибройим Юсупов ҳақи-

да ҳайратомуз илиқ муносабатларини, чуқур таассуротларини изҳор этади. Бу муносабатларни — халқлар дустлигининг, ижодий дустлигининг, инсоний меҳр-оқибат намунаси десак ҳам арийди. Қолаверса, қорақалпоқ ижодкорлари ичида ҳам Зулфияга, устоз Ҳамид Олимжонга бағишлаб ёки уларнинг асарлари ишлаб ёки уларнинг шеър ёзмаган ижодкорнинг ўзи йўқ ҳисоби. Зулфия опанинг бундан йилгирма-ўттиз йиллар муқаддам ёзган бир шеърда шундай сатрлар бор: Юрагимдан узайиш парча Ва келтириб шам деб тутайин. Хоҳиш, койиш, эзингиз барча, Бармасини кўзга суртайин — Утирламан қаламим бир кун! Шеърнинг ёзилишига олдий бир кундалик воқеа — кимнингдир қизиллашган «қаламнингиз чиройли экан, утирлаб кетайми», деган гап сабаб бўлган, шоирнинг кўнгли илтижолари эса тўлғона-тўлғона шеърга айланган: «Утирламан қаламим бир кун!...» Мен бугун шу шеърнинг мазмун-моҳиятини рамзий маъно-

да давом эттириб, ишонч билан айта оламаники, шоирнинг маъқу «илҳом қалами» ўтирланди — яъни, ўз-ўзидан куйайиб-кулайиб, ўнлаб, юзлаб истеъдодли қизлар қўлларига бориб етди. Қорақалпоғистонлик шоира, ёшувчи, журналист қизлар ҳам Зулфия қаламини чекис бир ҳаёжон ва хаваслар идила қўла олдилар, нозик-нозик, покиза-покиза кўнгли кечинmalarини уша машқур меросий қалам билан қоғозларга нақшладилар. Хуллас, Зулфия ижодига ҳавас билан, меҳр билан қараб, ибрат олиб шеър битаетган, ҳикоя ёзаётган, қалам сураетган истеъдодлар қорақалпоқ дийрида ҳам озунча эмас. «Қорақалпоқ адабиётига иқтидорли ёшларнинг кириб келиши жуда қувончлидир, — деб ёзган эди Зулфия опа. — Мен уларнинг қўшқиларини эшитганимда ҳар бирининг ўз қўшиғи борлигини кўнглим услади. Мен Гулчехра Раҳимованинг маънос, маънос бўлса ҳам шовқин-суронлардан халос қилиб, ором берадиган шеърларини ёқтираман. Ундаги маъносликнинг

Халқ Сўзи Народное Слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев. БўЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқ Сўзи 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Аxbорот 36-29-89; Туризм муҳарририят 33-10-28. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сагаторов. Навбатчи — Ф. Сапаев.